

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА БАНК СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯ

Эркинов Достонбой Ёндош ўғли, Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистранти

Аннотация: Коррупция ҳаётимизнинг барча соҳаларига, жумладан банк соҳасига ҳам кириб келди. Банкдаги коррупция муаммоси бугунги кунда долзарб масалага айланди. Шу жиҳатдан, ушбу соҳани илмий тадқиқ қилиш орқали спортдаги коррупцияга қарши курашиш муаммоларини ўрганиш, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга оқилона жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Калит сўзлар: банк, коррупция, банкдаги коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, банк фаолиятига таъсир кўрсатиш.

Аннотация: Коррупция проникла во все сферы нашей жизни, в том числе и в банк. Проблема коррупции в банке сегодня актуальна. В связи с этим, путем научного исследования в данной сфере, необходимо изучить проблемы борьбы с коррупцией в банке, научные методики и рекомендаций и их рациональное внедрение в практику.

Ключевые слова: банк, коррупция, коррупция в банке, коррупционное правонарушение, незаконное влияние на деятельность банков.

Annotation: Corruption has penetrated all spheres of our life, including bank. The problem of corruption in banks is relevant today. In this regard, through scientific research in this area, it is necessary to study the problems of combating corruption in banks, scientific methods and recommendations and their rational implementation in practice.

Keywords: bank, corruption, corruption in bank, corruption offence, illegal influence on banking operations.

“Коррупция - бу жамиятга жуда катта путур етказадиган даҳшатли вабодир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларини емиради, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини салбийлаштиради ва инсон хавфсизлигини



тахдид остига солувчи уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа салбий ҳодисаларнинг илдиз отиб, оммалашиб кетишига шароит яратиб беради”¹.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2023 йил 19 декабрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, “Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдидир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказди”².

Дарҳақиқат, коррупция – фуқароларга, ташкилотларга, умуман давлатга жиддий ижтимоий хавф туғдирувчи ва катта моддий зарар етказувчи салбий ижтимоий ҳодиса бўлиб, бу барчадан коррупция-нинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муаммоларига алоҳида ўз эътиборини кучайтиришни талаб қилади.

Ҳолбуки, “2002 йил 4 сентябрдаги Барқарор ривожланиш тўғрисидаги Йоханнесбург декларациясида коррупция халқларнинг барқарор ривожланишига таҳдид деб эълон қилинган”³.

Коррупция нафақат жиноий ҳуқуқбузарлик, балки мамлакат иқтисодий ривожланиши ва сиёсий тизими фаолиятининг кўрсаткичидир.

Негаки, коррупциянинг даражаси мамлакатнинг инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатига таъсир қилиб, ҳар қандай давлатнинг жаҳон миқёсидаги ўрнини белгилаб беради.

Шу боисдан, бугунги кунда давлат ва жамият барқарорлигига таҳдид солувчи ҳодиса сифатида коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам халқаро, ҳам минтақавий даражада изчил ишлар олиб борилмоқда.

¹ Кофи А. Аннан БМТ Бош котиби, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, муқаддима.

² <https://president.uz/uz/lists/view/6934> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев-нинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқи.

³ URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_wssd.shtml.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг барча аъзолари, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”⁴ деб таъкидлаган эдилар.

Замонавий дунёда коррупция жамиятнинг барча соҳаларига кириб, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса унинг банк соҳасида номаён бўлиши ўта ачинарлидир.

“Банклар узоқ йиллик тарихга бориб тақалади. Милоддан аввалги 2000 йилда биринчи банкларнинг шакллари Оссурия, Ҳиндистон ва Шумерияда вужудга келган бўлиб, улар шаҳарлар ўртасида юк ташийдиган деҳқонлар ва савдогарларга дон кредитлари беришган.

Кейинчалик, қадимги Юнонистонда ва Рим империяси даврида ибодатхоналарда қарз берувчилар қарз бериб, депозитларни қабул қилишда ва пул алмаштиришни амалга оширганлар. Айни даврда Қадимги Хитой ва Ҳиндистондаги археология маълумотлари ҳам пул қарз беришнинг далилларини кўрсатади. Банк тизимининг муҳим тарихий ривожланишини Ўрта асрлар ва Уйғониш даври Италияси, хусусан, Флоренция, Венеция ва Генуя шаҳарларига тўғри келади”⁵.

“Банклар тарихидаги энг биринчи ва йирик коррупциявий ҳолатлар 1907 йилларга тўғри келади. Ўша йилларда Мис трести акцияларининг қулаши ваҳима кўзғатди, банкларда ваҳима ва акцияларни сотиш авж ола бошлади, бу эса акцияларнинг кескин пасайишига олиб келди. Federal Reserv Bank тинч аҳолига чора кўриш учун JP Morganга вазифалар юклади. Морган эса ўзининг улкан таъсиридан фойдаланиб, Уолл-стритдаги барча асосий молиявий ўйинчиларни йиғиб, улар орқали аҳолининг кредитлари ва капиталларини бошқаришни бошлади”⁶.

⁴ <https://president.uz/uz/lists/view/3324> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

⁵ Hoggson, N. F. (1926) Banking Through the Ages, New York, Dodd, Mead & Company.

⁶ [Электрон манба]. URL:<https://www.investopedia.com/articles/07/banking.asp>



“Замонавий илмий адабиётларда коррупцияга жамият ва давлат ҳокимияти тузилмалари ўртасидаги қарама-қаршиликлардан келиб чиқадиган ижтимоий ҳодиса сифатида тариф берилади. Шунингдек, коррупция нафақат давлат хизматчисининг муайян жиноий хатти-ҳаракати, балки давлат ва унинг ижтимоий тизимига муқаррар равишда хос бўлган муайян ижтимоий ёвузлик сифатида ҳам тушунилади”⁷.

Ушбу тарифда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари мансабдор шахслари томонидан содир этиладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар уларни коррупцион фаолият субъектига айлантиради.

Банк-молия соҳасида коррупция тушунчаси умумий хусусиятларни ўз ичига олиш билан бирга махсус соҳага оид хусусиятларини ҳам қамраб олади.

А.Сривастав, Ж.Хагендорфф ўзларининг “Корпоратив бошқарув ва банк тизимидаги хавф-хатарлар” асарида, Банк-молия соҳасида коррупцияни “давлат ёки корпоратив ишонччи суистеъмол қилиш орқали таъқиқланган моддий ёки номоддий бойликлар олишдаги муносабатларни тартибга солиш учун яратилган норасмий алоқалар тизими”⁸ - деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, банк-молия соҳасидаги коррупция, коррупциявий ҳолатлар ҳақида бир қатор олимлар ўзларининг турлича қарашларини баён этишган. Хусусан, Торстен Бек, Асли Демиргу, Кунт ва Вожислав Максимовичлар банк соҳасидаги коррупцияни “банкнинг молиявий фаолиятида юзага келадиган ва ушбу соҳа мансабдор шахслари томонидан шахсий ёки ўзганинг манфаатини кўзлаб содир этиладиган коррупциявий ҳолатлар деб кўрсатиб ўтганлар”⁹.

Фикримизча, ушбу таърифлар банк-молия соҳасидаги коррупциянинг барча жиҳатларини қамраб олмаган. Чунки, юқорида қайд этиб ўтилган таърифлар фақатгина банкнинг молиявий фаолият олиб бориш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қуйидаги ҳолатлар эътибордан четда қолдирилиб

⁷ Соловьев А.Н. Коррупция как объект научного познания: понятие и сущность // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2015. № 3 (34). С. 56-64.

⁸ Srivastav, A, and Hagendorff, J (2016) Corporate Governance and Bank Risk-taking. Corporate Governance: An International Review, 24 (3). pp. 334-345.

⁹ Thorsten Beck, Asli Demircuguc-Kunt, and Vojislav Maksimovic. The journal of finance. Financial and Legal Constraints to Growth: Does Firm Size Matter? february 2005.



кетилган, масалан, банкнинг ички тизимида ходимлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг турлари ва .ҳ.к.

“Коррупциявий хавф-хатар” тушунчаси коррупция тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Мазкур тушунча “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуннинг 24-моддасида, “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш шаклида келган”¹⁰.

“Коррупция тушунчаси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мавжуддир. Хорижий расмий ҳужжатлар коррупция тушунчасини унинг айрим турлари билан боғлайди ва ушбу ноқонуний хатти-ҳаракатни товламачилик, фирибгарлик ва мансабдор шахс томонидан мулкдан нотўғри фойдаланишда номаён бўлади деб таснифлайди”¹¹.

“Америкалик тадқиқотчилар коррупция феноменини сиёсатчилар, давлат амалдорлари, тадбиркорлар ва бошқа шахсларнинг шахсий, оилавий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб, бойиб кетиш ва ижтимоий мавқеини яхшилаш мақсадида ўз хизмат вазифалари ва функцияларини бажаришдан қочишлари деб таърифлайдилар”¹². Ушбу концепциядаги асосий нарса, ҳокимиятга эга бўлган шахс ўз вазифалари ва функцияларини бажаришдан қочади. Шу вақт, аксарият тадқиқотчилар учун коррупция “хизмат мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш, шунингдек мулкий манфаат олиш” ҳисобланади.

Америкалик тадқиқотчи М.Жонстон эса коррупцияни мансабдор шахсга амалдаги нормалар билан чеклаб қўйилган қоидалардан четга чиқиш, расмий функцияларини бажаришда ўзи, оиласи ва ўзи билан боғлиқ бўлган тор доирадаги одамлар учун моддий ёки мақом устунликларини қўлга киритиш истагидан келиб чиқадиган хулқ-атвор деб тарифлайди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

¹¹ Синявская Т.В. Понятие и социальная сущность коррупции // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии. 2013. № 1 (45). С. 93-102.

¹² Соловьев А.Н. Коррупция как объект научного познания: понятие и сущность // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2015. № 3 (34). С. 56-64.

Хукукшунос олимларнинг илмий изланишлари натижасида “коррупция тушунчасига 50 дан ортиқ муаллифлик таърифлари берилган”¹³.

Шу билан бирга, коррупциянинг ҳуқуқий тушунчаси “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши Конвенцияси”¹⁴ ва унга урта қўшимча протоколларида, “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси”¹⁵, Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг “Коррупцияга қарши курашишнинг йигирма тамойили резолюцияси”¹⁶, Европа Кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси”¹⁷, Европа Кенгашининг “Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси”¹⁸, МДХнинг “Коррупцияга қарши сиёсат бўйича қонунчилик асослари” намунавий қонуни”¹⁹ ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “банк соҳасидаги коррупцияси” тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: Банк коррупцияси - мансабдор шахснинг ёки бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида ёки учинчи шахслар манфаатини кўзлаб банкнинг ҳар бир соҳавий фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш орқали қонунга хилоф равишда моддий ёки номоддий наф олиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши, ваъда қилиши, таклифи қилиши ҳисобланади.

“Банк коррупцияси”га қарши курашда ижобий натижаларга эришиш учун илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш, коррупцияга қарши

¹³ O.F.Sattorov Oliy talim sohasida korrupsiya tushunchasi // ОРИЕНС. 2022. №3. Elektron manba: URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-ta-lim-sohasida-korrupsiya-tushunchasi> (murojaat sanasi: 10.01.2023 yil).

¹⁴ Конвенция против транснациональной организованной преступности (принята в г. Нью-Йорке 15.11.2000 Резолюцией 55/25 на 62-м пленарном заседании 55-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН).

¹⁵ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (принята в г. Нью-Йорке 31.10.2003 Резолюцией 58/4 на 51-м пленарном заседании 58-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН).

¹⁶ Резолюция № (97) 24 Комитета министров Совета Европы «О двадцати руководящих принципах борьбы против коррупции» (Принята 06.11.1997 на 101-ом заседании).

¹⁷ Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (заключена в г. Страсбурге 27.01.1999).

¹⁸ Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (заключена в г. Страсбурге 04.11.1999).

¹⁹ Модельный закон «Основы законодательства об антикоррупционной политике» (принят на XXII пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств участников СНГ 15.11.2003 по предложению российской стороны) [Электрон манба]. - URL: <https://iacis.ru/public/upload/files/1/158.pdf>.

курашиш сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, соҳа фаолияти устидан самарали парламент, жамоатчилик, идоравий ва прокурор назоратини ўз ичига олган яхлит коррупцияга қарши курашиш назорат тизимларини яратиш жоиздир.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, банк соҳасидаги коррупция интизомий ва маъмурий жавобгарлик билан чекланиб қолмай, кенг миқёсда жиноий қилмиш учун жазога сазоварликка ҳам сабаб бўлади.

Шу жиҳатдан, ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларига кўра ҳар бир соҳада коррупциянинг олдини олиш учун унинг сабабларини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, профессор Қ.Р.Абдурасулова фикрига кўра, “Коррупциявий жиноятларни олдини олиш учун аввало уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик, ташкилий хусусиятларга доир сабабларини аниқлаш зарурдир”²⁰.

Бошқа бир олим Р.Клитгаарднинг таъкидлашича, “Мансабдор шахснинг бирор хўжалик субъектига зарур бўлган хизматни кўрсатиши ёки маълум имтиёз беришда яқка ҳокимлик устидан назоратнинг сусайтирилиши коррупциявий келишувларни юзага келтиради”²¹.

Профессор Қ.Абдурасулованинг фикрларини тўлиқ қўллаб қувватлаган ҳолда, бизнингча ҳам коррупциявий ҳолатларни олдини олиш учун унинг фақат сабаблари билан эмас, коррупцияни келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни ҳам тадқиқ этиш албатта ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ушбу мақсадга эришиш учун, албатта, бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади.

Хусусан, банк соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин:

– коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда банк соҳасига тааллуқли таклифлар ва уларни амалга оширилишининг янгича механизмлари бўйича тегишли бандлар киритиш;

²⁰ Q.R.Abdurasulova. Korrupsiya jinoyatchiligining umumiy tavsifi, sabablari va oldini olish.// Ilmiy maqola. // Huquqiy tadqiqotlar jurnali. Journal of law research/ 3-Maxsus soni. 24 bet. 2022 yil.

²¹ R.Klitgaard. Gifts and bribes/ Zeckhauser R.J (Eds) Strategy and Choice.Cambridge: MIT Press, 1991.



- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали банк соҳасидаги коррупцияга қарши курашишга доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда самарали ижросини амалга оширилишини ташкил этиш;
- банк соҳасида коррупциянинг олдини олишда, энг аввало коррупцияга қарши сифатли таълим тизимини йўлга қўйиш, мазкур жараёндаги ўқитиш тизимида банкларнинг барча даражадаги ходимларини жалб қилиш қилиш чораларини кўриш;
- банк ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга оширишда шаффофликни таъминлаш ва йиллик молиявий ҳисоботларни очик эълон қилишни йўлга қўйиш;
- БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси тамойилларига мувофиқ, банк ташкилотларининг қоидалари ва йўриқномаларини кўриб чиқиш ва янгилаш, шу жумладан бунда ўз ташкилоти фаолияти тўғрисида оммавий ҳисоботларни тақдим этиш ҳамда фаолиятда юзага келаётган коррупция хавф хатарларини баҳолаш асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг қамровли сиёсатни ишлаб чиқиш;
- банк соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни превентив механизмларни, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали коррупция ҳолатларини олдини олишга, уларни ўз вақтида аниқлашга, уларни юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупция тўғрисида хабар бериш механизмларини соддалаштириш, шу жумладан маълумотларни аноним юбориш имкониятини яратиш;
- банк соҳасида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ҳамда уларни таҳлил этиш орқали янги чоралар кўриб бориш;
- банк соҳасидаги ташкилотлар, марказий банк томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш, соҳадаги мавжуд йўлга қўйилган ташкилий ва ҳуқуқий таъсир чоралар каби механизмларнинг самарадорлигини баҳолашдан ўтказиш;



– банк соҳасида самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора тадбирлар самарадорлигини кучайтириш;

– банк соҳасидаги коррупциявий омилларни чуқур таҳлил қилган ҳолда конунчиликдаги бўшлиқларни бартараф қилиш чораларини кўриш;

– банк соҳасини “коррупциядан ҳоли тизим”га айлантириш мақсадида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ишларини йўлга қўйиш.

Шу ўринда, “банк соҳасидаги коррупцияси” тушунчаси умумий коррупция таркибига кирувчи коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик турларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан, банкдаги коррупция тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаб етиш соҳада коррупцияга қарши курашишнинг аниқ мақсадлари, йўналишлари ва вазифаларини белгилаш юзасидан илмий ва назарий таърифларни шакллантириш, соҳани тадқиқ қилишнинг чегараларини аниқлаш ва бошқа тадқиқот предметларини тўғри англаб олишга ёрдам беради.

Research Science and Innovation House

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кофи А. Аннан БМТ Бош котиби, Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, муқаддима.
2. <https://president.uz/uz/lists/view/6934> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Ш.Мирзиёев-нинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро муқофотни топиши маросимидаги нутқи.
3. URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_wssd.shtml.
4. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Hoggson, N. F. (1926) Banking Through the Ages, New York, Dodd, Mead & Company.
6. [Электрон манба]. URL: <https://www.investopedia.com/articles/07/banking.asp>
7. Соловьев А.Н. Коррупция как объект научного познания: понятие и сущность // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2015. № 3 (34). С. 56-64.
8. Srivastav.A, and Nagendorff, J (2016) Corporate Governance and Bank Risk-taking. Corporate Governance: An International Review, 24 (3). pp. 334-345.
9. Thorsten Beck, Asli Demirguc-Kunt, and Vojislav Maksimovic. The journal of finance. Financial and Legal Constraints to Growth: Does Firm Size Matter? february 2005.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.
11. Синявская Т.В. Понятие и социальная сущность коррупции // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии. 2013. № 1 (45). С. 93-102.
12. Соловьев А.Н. Коррупция как объект научного познания: понятие и сущность // Вестник Волгоградской академии МВД России. 2015. № 3 (34). С. 56-64.
13. O.F.Sattorov Oliy talim sohasida korrupsiya tushunchasi // ОРИЕНС. 2022. №3. Elektron manba: URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-ta-lim-sohasida-korrupsiya-tushunchasi> (murojaat sanasi: 10.01.2023 yil).



14. Конвенция против транснациональной организованной преступности (принята в г. Нью-Йорке 15.11.2000 Резолюцией 55/25 на 62-м пленарном заседании 55-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН).

15. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (принята в г. Нью-Йорке 31.10.2003 Резолюцией 58/4 на 51-м пленарном заседании 58-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН).

16. Резолюция № (97) 24 Комитета министров Совета Европы «О двадцати руководящих принципах борьбы против коррупции» (Принята 06.11.1997 на 101-ом заседании).

17. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (заключена в г. Страсбурге 27.01.1999).

18. Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (заключена в г. Страсбурге 04.11.1999).

19. Модельный закон «Основы законодательства об антикоррупционной политике» (принят на XXII пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств участников СНГ 15.11.2003 по предложению российской стороны) [Электрон манба]. – URL: <https://iacis.ru/public/upload/files/1/158.pdf>.

20. Q.R.Abdurasulova. Korrupsiya jinoyatchiligining umumiy tavsifi, sabablari va oldini olish.// Ilmiy maqola. // Huquqiy tadqiqotlar jurnali. Journal of law research/ 3-Maxsus soni. 24 bet. 2022 yil.

21. R.Klitgaard. Gifts and bribes/ Zeckhauser R.J (Eds) Strategy and Choice.Cambridge: MIT Press, 1991.

Research Science and Innovation House